


Техасда “Муқаддас Қуръон изидан” номли кўргазма ўз ишини бошлади



04:30 / 22.01.2019 2336

АҚШнинг Техас техника университетидида “Муқаддас Қуръон изидан” номли кўргазма ўз ишини бошлади. Бу ҳақда DailyTrudor.com сайти хабар берган.

Кўргазма араб хаттотлиги, исломий безаклар ва арабча дизайн бўйича узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган асли насаби ливанлик бўлган америкалик хаттот Марван Аризи томонидан ташкиллаштирилди.

Аризи узоқ вақт мобайнида турли дастурий таъминот компаниялари, рекламалар, баннерлар билан шуғулланадиган ташкилотлар билан дизайн масаласида иш олиб борди. Аввалги усталарнинг Қуръони карим саҳифалари бўйича қилган ишлари унда катта қизиқиш уйғотади ва бу ишда ўзини синаб кўришни мақсад қилади.

– Шу жойда менинг Қуръони карим ёзувларига бўлган қизиқишим бошланди, – дейди Аризи. – Дизайн учун уч йил, қолган ёзувлар учун етти йил, жами ўн йил вақт сарф бўлди.

У ўн йил давомида Қуръони каримнинг 114 та қисми (сураси) учун алоҳида дизайн ишлаб чиқди. Арабча хаттотлик санъатининг ноёб хусусиятини яратиб, 376 саҳифани ўзига хос кўринишда ёзиб чиқди.

Кўргазмага ташриф буюрганлар унинг юксак даражада эканини эътироф этмоқдалар. Хусусан, бундай кўргазмалар одамларни Қуръони карим ва Ислом динига бўлган қарашларини ижобий томонга шаклланишида катта ёрдам беришини таъкидламоқдалар. Муаллиф китоб дизайнини ишлашда мусулмонларнинг диний қарашлари ва эътиқодларини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилган. «Мен дизайнимни янги ранг билан яратдим, шу билан бирга исломий санъатнинг классик услубини ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилдим. Мени мусулмон ўқувчи ёки томошабинларимизни ранжитиб қўйиш ниятим йўқ», дейди Аризи.



Islom.uz портали таҳририяти